

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 4 СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 4**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 4**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Доно Зияева</b> XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
<b>2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова</b> РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
<b>3.Муродилла Ҳайдаров</b> ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
<b>4.Гулнора Гулямова</b> XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
<b>5.Арслон Нафасов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
<b>6.Ойбек Остонов</b> ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
<b>7.Умиджон Усаров</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
<b>8.Зиёдулла Холбоев</b> ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
<b>9.Davlatbek Qudratov</b> ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ АСРАВ-АВАЙЛАШ YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNİ.....	83
<b>10.Гўзал Раззоқова</b> ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
<b>11.Дилшода Рўзиева</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
<b>12.Сафарали Қўшоқов</b> ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шоҳистахон Ўлжаева,  
Нодира Алимұхамедова,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти  
sh.uljayeva@tiame.uz

## РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ

*For citation: Shohistaxon Uljaeva, Nodira Alimuhamedova. STUDYING THE HISTORY OF UZBEKISTAN THROUGH DIGITAL HUMANITIES. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 10-18*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-2>

### АННОТАЦИЯ

XXI аср ахборот жамияти учун муҳим ахборот асри ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда рақамли технологиялар барча соҳаларда кенг қўлланилади. Ушбу параллел жараёнлар инсон ҳаётини, давлатни ва жамиятни эркинлаштириш, вақт ва пулни тежаш, ҳар бир вазифани тез ва самарали бажариш учун муҳим имкониятлар яратади. Тизим фанлар ва маълумотларни ўрганиш учун ажойиб имкониятни яратади, аммо эсда сақлаш, таққослаш, хулоса қилиш ва натижаларга эришишнинг самарали усуллари тақдим этади. "Рақамли гуманитар фанлар" тушунчаси тезда ижтимоий фанларга кириб борди ва чет эл университетларида кўп тадқиқотлар олиб борилди.

Компьютер технологиясидан фойдаланиш, автоматлаштирилган тарихий жараёнларнинг анимацияси, режалаштирилиши, диаграммаси ва видео презентациялари бизга тарихий жараёнлар ва уларнинг ўзаро боғлиқликлари, трансформацион жараёнлар ва даврий ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиш, яқунлаш ва баҳолаш имконини беради. Ушбу мақолада рақамли гуманитар фанларнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга тадбиқ этилиши таҳлил қилинади. Тарихий жараёнлар ва уларнинг ўзаро боғлиқликлари, трансформацион жараёнлар ва даврий ўзгаришлар таҳлил қилинади, тўлдирилади, баҳоланади. Ушбу мақолада рақамли гуманитар фанларнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга тадбиқ этилиши таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон тарихи, рақамли гуманитар фанлар, архив, музей, диаграмма, режалаштириш, компьютер технологиялари, анимация

**Шохистахон Улжаева,  
Нодира Алимухамедова,**

Ташкентский институт инженеров ирригации  
и механизации сельского хозяйства  
sh.uljayeva@tiame.uz

## **ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА ЧЕРЕЗ ЦИФРОВЫЕ ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ**

### **АННОТАЦИЯ**

XXI век - важный информационный век для информационного общества. В развитых странах цифровые технологии широко используются во всех областях. Эти параллельные процессы предоставляют важные возможности для либерализации человеческой жизни, государства и общества, экономии времени и денег и быстрого и эффективного выполнения каждой задачи.

Система предоставляет прекрасную возможность для изучения дисциплин и данных, но также предоставляет эффективные и действенные способы запоминания, сравнения, заключения и достижения результатов.

Понятие "цифровых гуманитарных наук" быстро проникает в общественные науки, и в зарубежных университетах была проведена большая исследовательская работа.

Использование компьютерных технологий, анимации, планирования, диаграмм и видеопрезентаций автоматизированных исторических процессов позволяет идентифицировать, анализировать, завершать и оценивать исторические процессы и их взаимосвязи, трансформационные процессы и периодические изменения.

В этой статье анализируется внедрение цифровой гуманитарной науки в область изучения истории Узбекистана., анализировать, завершать и оценивать исторические процессы и их взаимосвязи, трансформационные процессы и периодические изменения.

В этой статье анализируется внедрение цифровой гуманитарной науки в область изучения истории Узбекистана.

**Ключевые слова:** История Узбекистана, цифровая гуманитарная наука, архив, музей, диаграмма, планирование, компьютерные технологии, анимации.

---

**Shohistaxon Uljaeva,  
Nodira Alimuhamedova,**

Tashkent Institute of Irrigation and  
Agricultural Mechanization Engineers  
sh.uljayeva@tiame.uz

## **STUDYING THE HISTORY OF UZBEKISTAN THROUGH DIGITAL HUMANITIES**

### **ABSTRACT**

The 21st century is an important information age for the information society.

In developed countries, digital technology is widely used in all areas. These parallel processes provide important opportunities for liberalizing human life, the state and society, saving time and money, and quickly and efficiently performing each task. The

system provides an excellent opportunity to study disciplines and data, but also provides effective and efficient ways of memorizing, comparing, concluding and achieving results.

The concept of "digital humanities" quickly penetrates the social sciences, and much research has been done at foreign universities. The use of computer technology, animation, planning, diagrams and video presentations of automated historical processes allows us to identify, analyze, complete and evaluate historical processes and their interconnections, transformation processes and periodic changes.

This article analyzes the introduction of digital humanities in the study of the history of Uzbekistan.

**Index Terms:** history of Uzbekistan, digital humanities, archive, museum, diagramm, planning, computer technology, animations

### 1. Долзарблиги:

XXI аср информацион жамият ва ахборот асридир. Аллақачон ривожланган давлатларда рақамли технологиялар ҳар бир соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Бу жараёнлар инсон, давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштиришга, вақт ва пулни тежашга, ҳар бир ишни тез ва сифатли бажаришда муҳим имкониятларни яратиб бермоқда.

Ушбу тизим фанларни, маълумотларни ўрганишга кенг имкониятлар яратади, уларни тежамкор ва тез эслаб қолиш, таққослаш, хулоса қилиш, натижага эришишнинг сифатли ва самарали усулларини ҳам таъминлаб беради.

2. Тадқиқот усуллари: Тадқиқотда қиёсий ва тарихий таҳлил усуллари асосида рақамли гуманитар фанларнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга тадбиқ этилиши таҳлил қилинади.

### 3. Тадқиқот натижалари:

"Рақамли гуманитар фанлар"[1] деган тушунча ижтимоий фан соҳаларига жадаллик билан кириб келмоқда[2] ва бу соҳа бўйича хорижий университетларда катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган[3]. Бу ўз навбатида ватанимиз тарихига оид жараёнларни компьютер технологиялари воситасида жадвалларга солиш, анимацион, жадвал, диаграмма ва видеоусуллардан фойдаланиш, тарихий жараёнлар ва улар ўртасидаги боғлиқликни, трансформацион жараёнларни, даврий ўзгаришларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, хулоса ва баҳо бериш имконини беради.

Шунингдек, юртимизда ҳозирги кунда қўлёзма мероснинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Чунончи, араб, форс, эски ўзбек тили ва бошқа Шарқ тилларида битилган 26 минг жилд қўлёзма, 39 минг жилд тошбосма китоб ва 10 мингга яқин тарихий ҳужжатлардан иборат фонд[4] 2000 йилда ноёб илмий ва маданий объектлардан бири сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани диққатга сазовордир.

Бу борада нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида гоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айнан буюк алломалар илмий меросини фан соҳалари бўйича ўрганиш, барча фанларнинг интеграцияси ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асрий анъаналарнинг тикланишини бошлаб беради.

Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди. Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлар билан бойитилди[5].

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари архив иши ва иш юритиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш, давлат архивларини моддий-техника базасини яхшилаш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини қўллаш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда. Бугунги кунда архив иши соҳасида рақамли ахборот технологиялари тизимларидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар Марказий Давлат архиви[6] ва бошқа архивларда халқимизнинг бебаҳо мероси сақланмоқда.

Маълумот, иш стажи, иш ҳақини тасдиқлаш ҳақидаги маълумотномаларни бериш ҳам архивларнинг зиммасидадир. Агарда улар геоинформацион ахборот тизимларидан фойдаланилса иш унуми ва сифати юқори бўлади. Бунда ҳар бир ҳужжат мазкур муассасага келганда унинг электрон нусхаси олинади, рақамлаштирилади ва махсус ахборот тизимларига улаб қўйилади. Ўша ҳужжатларни олишга бир неча кунлаб вақт сарфлашнинг ҳожати қолмайди ва вақт ва жисмоний меҳнат тежаллади.

Архивларда мавжуд бўлган араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва араб ҳужжатларидаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш, уларни геоинформацион тизимларга улаш, архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш) ва бошқалар ҳам бугунги куннинг муҳим масалаларидандир.

Архивларда миллий тарихимизга оид қўплаб бебаҳо бойликларимиз сақланмоқда ва улар минглаб тарқоқ ҳужжатларни ташкил этади. Уларни ахборот тизимлари орқали тартибга солиш, нусхаларини олиш, тадқиқотчилар учун қулай имкониятлар яратиши мумкин[7]. Бу бебаҳо ҳужжатлар вақт ўтиши билан ўз хусусиятини ўзгартириши мумкин, негаки мустамлака ва собиқ совет даврига оид ҳужжатлара ўз сифатини йўқотиб бориши, бу эса тадқиқотчиларга турли мураккабликлар туғдириши мумкин. Вақт ўтиши билан, уларни ўқиш янада қийинлашади.

Рақамли технологиялардан фойдаланмаслик, архивдан керакли маълумотларни ойлаб қидириб топиш, уларни ўша ернинг ўзида узоқ вилоятлардан келиб вақт кетказиб ўқиш, қўлда ёзиб олиш ва ҳоказо ноқулайликлар туғдириши мумкин. Натижада тадқиқотлар узоқ давом этиши мумкин.

Олий ўқув юртларининг тарих факультетларида таҳсил олаётган талабалар, тарих фани ўқитувчилар ҳам архивдаги ҳужжатлар нусхаларини таҳлил қилиш, улар билан ишлаш кўникмасига эга бўлишлари керак. Агар шундай амалий ишлар бажарилмаса келажакда илмий тадқиқотлар сифати ва самарадорлиги юқори даражада бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, рақамли технологиялар орқали архив ҳужжатларини саралаш, туркумлаш, нусхаларини ахборот технологиялари орқали

олиш ва географик ахборот тизимларига киритиш ва тадқиқ этиш учун кенг майдон яратиш муҳим масаладир.

Рақамлаштиришда қўлёзма ва архив ҳужжатлари ҳақида тақдимот ёзиш, замонавий ёзувларни нусхалаш ва кенг доирада тарқатиш жуда муҳимдир. Бундан ташқари, тақдимотлар, электрон кутубхона, электрон дарсликлар ва илмий қўлланмалар талабаларга дунёнинг турли бурчакларида ўқиш ва вазифаларни топширишга, ўқиш, вақтини тежашга ёрдам беради. Геоинформация тизимлари педагогик-технологияларни такомиллаштиришда ва уларнинг мазмун ва шаклини кўпайтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Энди ҳаракатланаётган, рақамланган, статистик маълумотларни жамлаган тизимларда талаба масаланинг умумий ва хусусий моҳиятини кенгроқ ва аниқроқ англаб боради. Бу тизимда янги материаллар кўпаяди, жамланади, мавзуларни ва муаммоларнинг тўғри ёки хатоликларини солиштириш, ижобий ёки танқидий хулосалар қилиш имконини яратади.

Геоинформацион тизимлар мустақил таълим олишда ўзлаштиришнинг юқори бўлишига ёрдам беради. Бизда бу борада дастлабки қадамлар ташланган, аммо Ўзбекистонда ахборот технологиялари хизматларидан кенг фойдаланиш учун бу етарли эмас. Айниқса, гуманитар фанлар соҳасида баъзи муаммолар мавжуд. Бизнинг соҳа ахборот технологияларининг янги йўналишлари билан янгиланишга муҳтож. Бугунги кунда фанга рақамли гуманитар фанлар деган тушунча кириб келмоқда.

Шунинг билан бирга Ўзбекистонда ўнлаб маҳаллий ва хорижий музейлар, кутубхона ва марказларда Ўзбекистон тарихига оид кўплаб моддий ва ёзма манбалар сақланмоқда. Улар ҳақидаги маълумотларни халқимиз ва ёшларимиз яхши билишмайди. Агар ҳар бир ашё ҳақида электрон маълумот тайёрланса, у геоинформацион ахборот тизимига киритилса ва шу асосда виртуал музейлар ташкил этилса, тарихимизнинг баъзи энг қизиқ жойларини глобал тармоқларга, музейнинг ўз сайтига қўйилса бу усуллар туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бу натижалар наинки хориждаги сайёҳлар, балки ватандошларимиз учун ҳам фойдалидир.

Тарихимизни даврлаштиришда, ривожланган шаҳарлар ва уларнинг меъморий, моддий ва бошқа бойликларини ҳисобга олишда, сулолалар тарихини тартибга солишда, ихчамлаштиришда, лўнда ва қисқа ва қизиқарли маълумотларни геоинформацион тизимларга киритишда, миллий-озодлик курашлари тарихининг тадрижий асосларини жадвалларга солишда, миллий қаҳрамонлар, давлат арбоблари саркардаларининг сиймолари, аудиовизуал ва видеоматериаллари жойлаштирида, воқеалар ва жойлар 3D форматда жонлантиришда рақамли технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Биз ўйлаймизки, ана шунда Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш осон, сифатли ва самарали бўлади.

Бу усуллардан кутубхоналарда ҳам китобларни топишнинг ахборот тизимлари, электрон китоблар, бошқа давлатлар кутубхоналаридан фойдаланиш, кутубхоналар[8] ва улардаги китоблар ҳақида кутубхонадан ташқарида туриб маълумотлар ола олиш, уларга буюртма бериш, электрон китоблардан масофавий тарзда фойдалана олиш, кутубхонага виртуал саёҳат уюштириш, виртуал каталоглар тузиш имкониятларини яратиш ва бошқа янги ахборот технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда ўрта асрларда ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган аллома ва мутафаккирларнинг математика, астрономия, физика каби аниқ фанлар,

медицина, кимё, география сингари табиий фанлар, тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар, ислом дини ва илоҳиётга оид меросини тадқиқ қилишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш талаб этилади.

Ҳозирда Шарқ алломалари меросини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Информацион ақлли дастурлар бўйича хронологик алломаларнинг солиштириш жадваллари, улар ҳақидаги маълумотлар, асосий ишлари, уларнинг баъзи электрон нусхалари ва бошқалар бўлиши ва қайси соҳага қўшган ҳиссалари ва киритган янгиликлари аниқ-тиниқ, диаграмма, жадвал ва бошқа кўринишларда ифодалаб берилиши лозим.

Термизда ат-Термизий номидаги илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг очилиши, Ислом Академиясининг ташкил этилиши бу борада қўйилган муҳим қадамлардан биридир. Буларнинг жозибадорлигини ошириш учун албатта геоинформацион ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш керак бўлади. Бу илмий-тадқиқот марказларининг виртуал муқобил вариантлари бўлиши керак.

Шунингдек, юритимиздаги ҳар бир археологик объект, ҳар бир зиёратгоҳ, манзигоҳ ва бошқа тарихий жойларнинг тартиб рақамлари ва геоахборот тизимлари яратилиши ва улар вилоятлар ва мавзулар кесимида ажратилган бўлиши лозим. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги кунда юртимиздан ўтган ҳар бир алломалар ва қадамжолар тарихини ўрганишнинг сифат босқичи бошланди.

Уларни тарғиб этиш билан биргаликда мамлакат иқтисодий имкониятларини кенгайтириш стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Улар нафақат илмий-тадқиқот, балки туризм марказларига айланаётгани ва хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши ортаётгани билан ҳам изоҳланади. Бу келажакда мамлакат иқтисодий-маънавий потенциалининг ўсишига, жаҳон саҳнида ўзбек халқи миллий-маънавий меросининг тарғиб этилиши ва шу билан унинг тарихдаги ролини очиб беришга қўйилган катта қадам бўлади.

Геоинформацион тизимлар орқали бугунги кунда Ўзбекистон учун долзарб бўлган янги илмий иш мавзулари базасини шакллантириб бориш ва улар ҳақида ОАК порталида чоп этиб бориш, илмий соҳага мутахассисларни кенг жалб этиш, уларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминлашда маъмурий бошқарув ва электрон ҳукумат билан ишлаш механизмига жузбий ўзгартиришлар киритиш, яъни бошқа соҳа вакилларининг манбалар ва адабиётлар билан ишлаш лаёқатини шакллантиришга ёрдам беришини таъминлаш методларини ишлаб чиқиш, уларни компьютер технологиялари орқали такомиллаштириш ва глобал тармоқларда тарғибот қилиш ҳам муҳим масаладир. Ушбу жараёнларнинг сифатини оширишда чет давлатларда юртимиздан етишиб чиққан алломалар, умуман тарихий воқеа-жараёнларни чуқур ўрганган олимлар билан кенг миқёсли ҳамкорликларни амалга ошириш ва ана шу ахборот тизимларида улар ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиб бориш керак. Уларнинг асарларидан нусха олиш, геоинформацион тизимларга алоҳида бўлим остида киритиш, глобал тармоқларда инглиз тилидаги мавзуга оид ҳужжатли фильмларни таржима қилиш ва доимий равишда дарсларда, онлайн ва масофали ўқитиш тизимларида фойдаланиш ҳам яхши натижаларга сабаб бўлиши мумкин.

"O'zbekiston tarixi" телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида таъкидлаб ўтилганидек, буюк ватандошларимиз - олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг бебаҳо меросини кенг кўламда

ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг гоят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳикоя қилувчи илмий-оммабоп дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумларини яратиш ҳам йўлга қўйилмоқда[9]. Бу ҳам миллий тарихимизни ўрганишда геоинформацион тизимларни кенгайтиришда ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Талаба маълумотларни қайта ўрганиб, таҳлил қилишга ва уларга баҳо беришга ҳам лаёқатли бўлиб боради.

Юқорида таъкидланганидек, рақамли гуманитар фанлар нафақат тарихни ўрганишда, балки уни ўқитишда, олий таълимда дарс сифатини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. У оддий тарих ихлосмандлари, кенг халқ оммасига ҳам маълумотларни етказиб бериши мумкин. Бу бугун бу жараён турли оммавий маданият кўринишлари ва таҳдидларга қарши курашда ҳам самарали восита ҳисобланиши мумкин.

Хорижий олимлар ва журналистлар билан бирга алломаларнинг фанга қўшган ҳиссасини ёритувчи, маълум тарихий воқеалар, моддий ва ёзма манбаларни ўрганишга бағишланган туркум ҳужжатли фильмлар яратиш, мультфильмлар ишлаб чиқиш, уларнинг асарларидан парчаларни дарслик ва қўлланмаларга киритиш ҳам келажакда таълим тизимини такомиллаштиришда ва керак бўлса "Ўзбекистон тарихи" [10] телеканалининг иш жараёнларини яхшилашда ҳам катта рол ўйнаши мумкин. Амалга оширилган, бажарилган илмий ишларни глобал тармоқларга ва таълим жараёнларига, масофавий ўқитиш тизимларига жойлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли гуманитар фанлар (РГФ) ҳисоблаш ёки рақамли технологиялар ва гуманитар фанлар фанлари кесимидаги илмий фаолият соҳаси экан, уларни гуманитар фанлардан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Бирор соҳа йўққи, унга геоинформацион тизимлар кириб бормаган бўлсин.

Гуманитар фанларда рақамли технологиялардан тизимли фойдаланишни, шунингдек, уларнинг қўлланилишини таҳлил қилишни ўз ичига олади. РГФ илмий тадқиқот, ўқитиш ва нашр этишда ҳамкорлик қиладиган, керак бўлса маълумотларни товар маҳсулотларига айлантириб, уни тижоратлаштириш ва олий таълим муассаси, музей, архив ёки бошқа муассасалар учун пул топиш манбаига айлантириш мумкин. Бу эса ўша муассасанинг ўз-ўзини бошқариши ва молиявий мустақилигини таъминлашда муҳим масаладир[11].

Гуманитар фанларни ўрганишда рақамли воситалар ва усулларни олиб келади, чунки босма сўз энди билимларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун асосий восита эмаслигини тан олади. РГФ янги дастурлар ва усулларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш орқали янги турдаги ўқитиш ва тадқиқотларни амалга оширишга имкон беради ва шу билан бирга уларнинг маданий мерос ва рақамли маданиятга таъсирини ўрганиш ва танқид қилишга асос яратади.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, РГФ нинг ўзига хос хусусияти гуманитар фанлар ва рақамли ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ўстиришдир: бу соҳада иккаласи ҳам гуманитар тадқиқотларни олиб боришда технологиядан фойдаланади ва кўпинча бир вақтнинг ўзида сўровномалар ўтказиш технологиясини қўллайди.

Амалиётлар: катта расм тўпламларини визуализация қилиш, тарихий экспонатларни 3Д моделлаштириш, "туғилган рақамли" тезислар, хаштагларнинг фаоллиги ва уларни таҳлил қилиш, алтернатив реал ўйинлар, кўчма ишлаб

чиқариш майдончалари ва бошқалар. "Катта чодир" РГФ деб номланган мавзуни моделлаштиришда у муҳим ўрин тутиши мумкин. Баъзан рақамли гуманитар фанлар нимага олиб келишини аниқлик билан аниқлаш қийин кечади.

Тарихан рақамли гуманитар фанлар гуманитар компютерлардан ривожланган ва бошқа соҳалар билан, масалан, гуманистик ҳисоблаш, ижтимоий ҳисоблаш ва медиа тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган. Аниқ маънода, рақамли гуманитар фанлар турли хил мавзуларни ўз ичига олади, улар онлайн манбаларни (асосан матнли) онлайн тўпламларини тузишдан тортиб, йирик маданий маълумотлар тўпламларини маълумотларни қидиришдан мавзуларни моделлаштиришгача бўлган йўналишларни қамраб олади. Рақамли гуманитар фанлар рақамли материалларни ўз ичига олади ва анъанавий гуманитар фанлар (риторика, тарих, фалсафа, тилшунослик, адабиёт, санъат, археология, мусиқа ва маданиятшунослик) ва ижтимоий фанлар методологиясини бирлаштиради. Мавзуларни ҳисоблаш воситалари (гиперматн, гипермедия, маълумотларни визуализация қилиш, маълумотларни қидириш, маълумотларни қидириш, статистика, матн ишлаб чиқариш, рақамли хариталаш) ва рақамли нашр қилиш билан таъминлашга ёрдам беради. Рақамли гуманитар фанлар билан параллел бўлган соҳалар қаторига янги медиа тадқиқотлар ва ахборот фанлари, шунингдек, медиа тузилиш назарияси, ўйиншунослик, айниқса рақамли гуманитар лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ва маданий таҳлил билан боғлиқ соҳалар киради[12].

Рақамли гуманитар фанлар бугунги кун учун зарурият ва эҳтиёжга айланди, уни тизимли йўлга қўйиш миллий тарихимизни кенг ва самарали ўрганишга муҳим ижобий таъсир кўрсатади ва ўқув-услубий ва илмий соҳалардаги сифатни ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Melissa Terras/ A decade in digital humanities // [https:// www. researchgate.net/ publication/309217683\\_A\\_Decade\\_in\\_Digital\\_Humanities](https://www.researchgate.net/publication/309217683_A_Decade_in_Digital_Humanities)

[2] [https://en.wikipedia.org/wiki/Digital\\_humanities](https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_humanities)

[3] Johanna Drucker, David Kim, Iman Salehian, & Anthony Bushong Introduction to Digital Humanities // [http:// dh101. humanities. ucla. edu/wp-content/uploads/2014/09/introductiontodigitalhumanities\\_textbook.pdf](http://dh101.humanities.ucla.edu/wp-content/uploads/2014/09/introductiontodigitalhumanities_textbook.pdf); [https://www.humanitiesblast.com/manifesto/Manifesto\\_V2.pdf](https://www.humanitiesblast.com/manifesto/Manifesto_V2.pdf) and others.

[4] Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // <https://religions.uz/news/detail?id=516> 2017 йил, 24 май.

[5] Ўзбекистон Республикасида архив иши ва юретишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармони // <http://lex.uz/docs/4523373>

[6] Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юретишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони // <http://lex.uz/docs/4523373>

[7] "Ўзбекистон тарихи" фанининг баъзи долзарб масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2019, №1. -Б. 66-68.

[8] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхона фондини хорижий адабиётлар

билан бойитиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // <http://www.lex.uz/docs/4385617>

[9] "O'zbekiston tarixi" телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // <http://uza.uz/oz/documents/o-zbekiston-tarixi-telekanalini-tashkil-etish-chora-tadbirla-11-07-2019>

[10] "O'zbekiston tarixi" телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // <http://uza.uz/oz/documents/o-zbekiston-tarixi-telekanalini-tashkil-etish-chora-tadbirla-11-07-2019>

[11] Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // <http://lex.uz/docs/4545884>

[12][https://www.researchgate.net/publication/311456555\\_New\\_Trends\\_in\\_Digital\\_Humanities](https://www.researchgate.net/publication/311456555_New_Trends_in_Digital_Humanities)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

**№4 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000